ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 12 ноябр, жума № 160 (807)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ФОЙДАСИ

Олотлик тўқувчилар рақобатбардош, жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эга бўлди. «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятининг Олот туманидаги тўқув фабрикаси Германиянинг «Текстима» фирмаси билан шартнома тузди. Унга асосан немислар қиймати қарийб беш миллион АҚШ долларига тенг қирқта тўқув дастгоҳи, тайёрлов цехи асбоб-ускуналари ва бошқа зарур жиҳозларни келтириб, ўрнатиб беради.

Энг муҳими, хориж дастгоҳларида тўқиладиган матонинг эни бир метру 80 сантиметр бўлади. Бу жаҳон андозаларига мосдир. Корхона янги техника эвазига йилига бир миллион АҚШ доллари атрофида соф даромад ола бошлайди.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Янги дастгоҳлар ўрнатилгач, эскилари ташлаб юбориладими? Йўқ, албатта. Корхона маъмурияти бунинг ҳам чорасини ўйлаб қўйган. Бўшаб қолган 360 та тўқув дастгоҳи туман хўжаликларида очиладиган кичик цехларга жойлаштирилади. Натижада қишлоқ аёллари учун қўшимча иш ўринлари пайдо бўлади.

## ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ:
# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



**Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8-10 ноябр кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.**

**Ушбу ташриф асносида давлатларимиз ўртасида тўққизта ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатлар сиёсат ва иқтисодиётдан то маданият, почта ва телекоммуникациягача бўлган жуда кўп соҳаларни қамраган. Пекинда Президентимизнинг ташрифига катта эътибор қаратилди. Бу давлатимиз раҳбарининг Хитойга учинчи сафари эди. Илгариги ташрифлар ҳам икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиққан. Бинобарин, Ислом Каримов илк бошдаёқ мазкур сафар ҳам ўзаро ҳамкорликни янада юқори поғоналарга кўтаришига умид билдирди. Икки давлат раҳбарлари суҳбатлари давомида ўзаро алоқаларни янада яхшилаш учун бор имкониятдан тўла фойдаланишга келишиб олди.**

Томонларнинг қарийб барча муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикри бир жойдан чиққанини шундан билиш мумкинки, ХХР раҳбари Цзян Цзэмин, ташриф дастури доирасидан ташқари, яна алоҳида учрашув ўтказиш таклифини билдирди. Сафарнинг учинчи куни ХХР раисининг қароргоҳида икки давлат раҳбарларининг мулоқоти давом эттирилди. Айтишларича, Хитойда айни ташриф чоғида айни раҳбар билан икки марта, бунинг устига давлат раҳбарининг қароргоҳида алоҳида учрашиш ҳолати ҳали кузатилмаган экан. Бу, албатта, Ўзбекистон Президентига эҳтиром ва ишонч, давлатимиз ва халқимизга қизиқиш, интилиш ва юксак ҳурмат белгисидир.

Энди давлатлараро муносабатларда асосий мезонлардан бири бўлган савдо-иқтисодий алоқалар хусусида.

Бу борада алоҳида қайд этиладиган муҳим жиҳат бор. Хитой, гарчи у БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлса-да, ривожланаётган давлатлар сирасига киради ва табиийки, биринчи навбатда сармоя чиқаришга эмас, аксинча, киритишга интилади. Мамлакатда дунёнинг етакчи фирма ва компаниялари билан кўплаб қўшма корхоналар тузилган, ё яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Қарийб барча соҳага хориждан илғор технология жалб қилиняпти. ХХР ўзининг 1,25 миллиардлик нуфусигина эмас, иқтисодий қудрати билан ҳам эътиборлидир. Сўнгги йилларда мамлакатда иқтисодий ўсиш йилига 8-10 фоизни ташкил этяпти. Дунё бўйича хорижий сармоянинг қарийб 20-22 фоизи Хитойга киритиляпти. Бу жуда катта кўрсаткичдир. Лекин, Хитойнинг ўзи ҳозирча хорижга сармоя чиқариш учун унчалик катта имкониятга эга эмас. Айни ҳолатни Ўзбекистонда ҳам кузатиш мумкин. Биз хорижий сармоя жалб қилишга, янгидан-янги технологияларни ўзлаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Ишлаб чиқариш тизими, техника янгиланмоқда. Лекин Ўзбекистонда кечаётган бу жараёнда Хитойнинг ҳиссаси, афсуски, имконият даражасидан анча паст. Президентимизнинг ХХРга буюрган ташрифи чоғида бу гап бир неча бор алоҳида таъкидланди.

Аслида Ўзбекистон ўз минтақасида, Хитой эса Жануби-шарқий ва Шарқий Осиёдаги марказий давлатлардир. Хитойнинг бирор компанияси Марказий Осиёда иш юритишни истаса, буни Ўзбекистондан бошлагани анча қулай.

Бунинг сабабини қуйидаги рақамлар билан изоҳлаш мумкин. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш йилига 3-4 фоизни ташкил этяпти. Хорижлик сармоядорлар учун яратилган шарт-шароит ва жорий қилинган имтиёзлар ҳам бекиёс. Ўзбекистон тўлов қобилиятига эга бўлган, сиёсий мустақилликни иқтисодий мустақиллик билан мустаҳкамлаётган давлатдир.

Шундай экан, истаган соҳада, аввало, табиийки, иқтисодиёт таянчи ҳисобланган асосий тармоқларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш икки томон учун ҳам бирдек фойдали. Бунга мисол сифатида машинасозлик, автомобилсозлик, самолётсозлик, агротехника, қурилиш, телекоммуникация соҳалари, кимё ва енгил саноатни айтиш мумкин.

Масалан, Хитой Ўзбекистондан йигирмага яқин ИЛ-76 русумли самолёт сотиб олиш ниятида. Бу ҳақда шартнома ҳам имзоланган. Лекин бу миқдор кам. Зеро, ИЛ-76нинг бошқа мамлакатлар, жумладан Форс кўрфази, Яқин Шарқ, Узоқ Шарқ, кўплаб Африка давлатларида ҳам бозори чаққон. Авиацияда у билан рақобатлаша оладиган самолёт жуда кам. Ўзбекистон маҳсулотининг эса баҳоси ҳам, сотилгандан кейинги хизмат кўрсатиш нархи ҳам нисбатан арзон.

Айни гапни автомобилсозлик бўйича ҳам айтиш мумкин. Бизнинг «Нексия»лар Хитой бозорида анча қиммат. Хитой томони ўзбек автомобилларининг нархи, сотилгандан кейин кўрсатиладиган хизмат арзонлаштирилса, уни катта миқдорда импорт қилишга истак билдирди. Лекин бу ерда бошқа - бож масаласи ҳам бор. ХХР ўз қўшнилари - Қозоғистон ва Россия билан бож тарифларини маълум фоиз қисқартиришга келишган. Бу, албатта, бозор иқтисодиётининг қонун-қоидасига уйғун. Лекин, теранроқ назар ташласак, Ўзбекистон ҳам Хитой учун қарийб қўшни давлат. Агар давлатларимиз ўртасида бож тарифларини қисқартиришга келишилса, нафақат «Нексия»нинг, бошқа товарларнинг ҳам баҳоси нисбатан арзонлашади.

Музокараларда Ислом Каримов шундай амалий таклифларни илгари сурди. Хитой томони уларни қўллаб-қувватлади.

Яна бир тўхталиш жоиз бўлган масала, агротехникага тааллуқли. Ўзбекистонда Хитой минитракторлари синовдан муваффақиятли ўтди. Табиийки, энди бу соҳадаги ҳамкорликни чуқурлаштириш керак. Хитой ҳукумати бу борадаги лойиҳа ижроси учун 100 миллион юан ажратишга қарор қилди. Яъни, Хитой тракторларининг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилишига келишилди.

Хитой ташқи сиёсати борасида гап кетганида, унинг Ўзбекистон ҳукумати илгари сурган талай таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаганини таъкидламоқ керак. Масалан, Президентимизнинг «Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона» деб эълон қилиш ва Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича «Афғонистоннинг қўшнилари ва дўстлари»дан иборат «6+2» гуруҳини тузиш ташаббусларини айтиш мумкин. «Ядродан холи зона» ғояси Хитой томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда. «6+2»да ҳам у бевосита иштирок этяпти.

Хитой ҳам Ўзбекистон каби улкан тарих, маданий мерос, асори атиқаларга бой давлат. Президент Ислом Каримов Пекинга ташрифи чоғида зиёрат қилган «Гугун» император саройининг ўзи ажойиб тарихий ва маданий меросдир. Саройни кузатар экан, киши ёдига беихтиёр Самарқанддаги муҳташам Регистон мажмуи, Бухородаги пурвиқор Арк ё мафтункор Ситораи Моҳи Хосса, Хевадаги Ичон қалъа тушади.

Булар тарихимиз, маданиятимиз муштарак жиҳатларга эга эканлигидан далолат беради. «Шарқ фалсафаси», «Шарқ маданияти», «Шарқ анъаналари» деганда, ҳам ўзбек, ҳам хитойнинг қадриятлари назарга олинишини бундай мисолларда ҳис этиш мумкин.

Улардан қандай самарали фойдаланиш мумкин? Табиийки, маданият ва санъат, тарих ва бошқа соҳаларда ўзаро ахборот, билим ва тажриба алмашувни кенг йўлга қўйиш керак. Бу сайёҳлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам катта туртки бўлади. Масалан, қадим Буюк Ипак йўлини олайлик. Қадимда бу робита неча-неча мамлакатларни боғлаган. Ҳозирги шароитда у тўла қувват билан «ишласа», яъни автомобил йўли ва темир йўл тўла қурилиб ё таъмирланиб ишга тушса, дунё иқтисодиётидаги вазият ўзгаришига шубҳа йўқ. Оддий мисол, экспортчи давлат саналувчи Хитой учун Қора денгиз, Каспий денгизи, Форс кўрфазига йўл очилади. Ўзбекистон ҳам Европа Иттифоқи давлатларидан то Хитойнинг олис портларигача етадиган осон ва арзон транспорт йўлига эга бўлади. Умуман, Буюк Ипак йўли тўла қувват билан қайта ишга туширилса, унинг бўйидаги барча мамлакатлар фойда кўради...

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг яна бир хорижий сафари якунланди. Ташриф асносида томонлар нафақат икки томонлама алоқаларни қўллаб-қувватлаш, балки уларнинг қамровини янада кенгайтириш, ривожлантиришга келишиб олдилар. Бу эса ташрифнинг асосий мақсадларидан бири эди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Пекин-Тошкент.**

## ТЕНГЛИК АСОСИДА

**Қашқадарё вилояти кишилари ҳам айни кунларда сайловлар руҳи билан яшамоқдалар. Амалга оширилаётган тадбирлар ўзининг кутилган натижасини бермоқда. Мухбиримиз вилоят сайлов комиссияси масъул котиби Ш.Ашуровадан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишни илтимос қилди.**

- Республикамиз ҳаётидаги бағоят муҳим, сиёсий жараён қизғин кечмоқда. Депутатликка номзодлар сайловчилар билан учрашиб ўз дастурларини баён этмоқдалар. Биз муҳим ишда тенглик, холислик бўлишига алоҳида эътибор бераяпмиз. Аксарият сайлов округлари, сайлов участкалари фуқароларнинг севимли масканига айланган. Улар ҳуқуқшунослар, комиссия аъзолари билан мулоқотда бўлиб, адабиётларни мутоала қилиб ҳуқуқий билимларни оширишмоқда. Албатта, асосий эътибор ҳозирги сайловларнинг собиқ шўро давридаги сайловлардан афзалликлари алоҳида тарғиб қилинмоқда. Эътиборлиси шуки, ҳар бир сайлов участкасига иккиучтадан оталиқ ташкилотлар бириктирилган. Улар тайёргарлик ишларида беминнат ёрдамларини аяшмаяпти.

Сайловолди тарғибот ишлари ҳам ҳамжиҳатликда, тенглик асосида изчил олиб борилаяпти. Депутатликка номзодлар оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланишмоқда. Муҳим ишни мутаносиб ҳолда изчил давом эттириш мақсадида ҳар бир сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳига газеталарда бир саҳифадан, радио эшиттиришлари ҳамда телевидениеда ўттиз дақиқадан вақт ажратилган. Агар бирон бир муаммо юзага келса, комиссия йиғилишларида улар атрофлича муҳокама қилиниб, адолатли ҳал этилмоқда.

**Ҳ. АБДУЖАЛИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## Уй қуринг - томингиз ёпилади

Попдаги «Ўзбектом» акциядорлик жамияти маҳсулотлари ниҳоятда харидоргир. Корхона мамлакатимизда қурилиш суръатлари тобора ошиб бораётганини ҳисобга олиб, том ёпиш анжомларини ишлаб чиқаришни ривожлантирмоқда. Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидан ҳам Попдаги том ёпиш анжомларини сотиб олиш учун келадиган харидор кўп. Чунки «Ўзбектом» - бугунги кунда бундай анжомларни ишлаб чиқарадиган минтақадаги ягона корхонадир.

Акциядорлик жамияти ходимлари бу ютуқлар билан қаноатланиб қолмасдан, томга ёпиладиган анжомнинг янги хили - эластик рубероид ишлаб чиқаришга киришди. Унинг афзаллиги шундаки, томга ҳозиргидагидек беш қатлам эмас, икки қатлам тўшалса ҳам бўлади. Бунинг устига, анча чидамли ҳам.

- Маҳсулотимизнинг намуна нусхаларига мутахассислар «аъло» баҳо беришди, - дейди «Ўзбектом» акциядорлик жамияти раиси Олимхон Мақсудов. - Янаги ойдан бошлаб эластик рубероидларни кўплаб чиқаришга киришамиз.

Бу - келажакда корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлашга олиб келади. Иқтисодий бақувват корхона эса ижтимоий эҳтиёжларга кўпроқ маблағ ажратиш имконига эга бўлади. Акциядорлик жамияти раисининг гапига қараганда, даромаднинг муайян қисми корхона ходимларига қўшимча ижтимоий ёрдам сифатида ишлатилади. «Ўзбектом» акциядорлик жамиятида ишлаган, ҳозир пенсияда бўлган ходимлар ҳам корхонанинг доимий ғамхўрлигини ҳис қилиб турибди. Корхона бир неча йилдан буён уларнинг коммунал хизмат учун харажатини тўлаб келмоқда.

Акциядорлик жамиятида ходимлар учун кенг имтиёзлар бор. Бу йил Аёллар йили бўлгани учун ҳар бир аёлнинг таътилига беш кун қўшиб бериляпти.

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» деб номланган китобида ўртага қўйилган вазифалар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва касаба уюшмалари ўртасидаги ижтимоий шерикчилик тамойилларини изчил равишда татбиқ этиш борасидаги тадбирлар» тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда республика Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Меҳнат вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги ходимлари иштирок этди.

Суҳбат чоғида бу борада муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Айни пайтда касаба уюшмалари тизимида бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов кампанияси чоғида кўтарилаётган долзарб масалаларни зудлик билан ҳал этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигига эътибор қаратилди.

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## ТАКЛИФЛАР ЁРДАМ БЕРДИ

Газетамизнинг шу йил 12 июн сонида «Қум устида қурғон омонат» сарлавҳали мақолада муаллиф Самарқанд футболининг ҳозирги ва келажаги ҳақидаги ўз фикр-мулоҳаза, таклиф-истаклари билан ўртоқлашган эди. Унда жумладан, вилоят олимпиа захираси футбол интернатининг мусобақалардаги муваффақиятлари, шу билан бирга, профессионал футбол жамоалари улар орасидан иқтидорли ўйинчиларни танлаб олишга эътибор бермаётгани ва айни пайтда интернат ўқувчилари учун ҳатто оддий шарт-шароитлар яратиб берилмагани каби камчилик-кусурлар танқид қилинган эди.

Самарқанд вилояти ҳокимлигидан таҳририятимизга йўлланган жавобда таъкидланишича, мақолада кўтарилган масалалар ўзининг ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Муаллиф фикр-мулоҳазалари ҳокимликда мутасадди ташкилот, жамоалар раҳбарлари иштирокида атрофлича кўриб чиқилди ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, мактаб-интернатнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида у шаҳар марказидаги барча қулайликларга эга бўлган бинога кўчирилди. Ҳозирги пайтда интернат ҳудудидаги мавжуд футбол майдони талаб даражасида кенгайтирилиб, жиҳозланмоқда. Қўшимча душхоналар қурилиши бошлаб юборилди.

Вилоят ҳокимлигининг Халқ таълими бошқармаси томонидан жиҳоз ва махсус спорт кийим-кечаклари харид қилиш мақсадлари учун 2,5 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Олий табақада иштирок этаётган «Самарқанд» жамоасини ёш, иқтидорли ўйинчилар билан таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Чунончи, унинг захирасини мустаҳкамлаш ниятида «Динамо» ёшлар футбол жамоаси ташкил қилинди. Унинг аъзолари мухлислар ишончини оқлашга ҳаракат қилиб, вилоят биринчилигида чиройли ўйинлар кўрсатди.

Айни пайтда «Самарқанд» профессионал футбол клубига маҳаллий ёшлардан маҳоратли ўйинчилар танлаб олиш юзасидан тегишли чоралар кўрилаётир.

*Шарҳловчи минбари*

## ҚАРЗДАН КЕЧАДИГАН БЎЛИШДИ

Яқинда Жанубий Африка Республикасидаги (ЖАР) Йоҳаннесбург шаҳрида минтақа давлатларининг Африканинг қарзлари масаласини ўрганиш бўйича олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Африка давлатлари раҳбарлари анчагина йиғилиб қолган ташқи қарзларни енгиллаштириш зарурлиги, акс ҳолда минтақа иқтисодиётидаги оқсашлар ҳали-бери тўхтамаслигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Африка мамлакатлари иқтисодиётни ривожлантиришга астойдил ҳаракат қилмоқда. Бироқ, ташқи қарз йил сайин ошиб бориши оқибатида тараққиётдан анча ортда қоляпти. Мисол учун, 1980 йилда Африка мамлакатларининг ташқи қарзи 55 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган эса, 1990 йилда 183 миллиардга етди. Ўтган йили эса минтақанинг ташқи қарзи 215 миллиард долларни ташкил этди. Маълум бўлишича, Африканинг қарзи унинг экспортидан икки баробар кўп экан. Бу соғлиқни сақлаш, маориф ва иқтисодиётни ривожлантиришда талай камчиликларни келтириб чиқаряпти. Ўз навбатида мазкур етишмовчиликлар одамларнинг турмуш даражасига жиддий таъсир кўрсатаётир.

Айтиш жоизки, Африка қарзларини енгиллаштириш масаласи узоқ йиллардан буён ривожланган давлатлар томонидан кўриб келинмоқда. Дастлаб 1970 йилларда ривожланган Ғарб давлатлари ривожланаётган мамлакатлар учун қарзларни енгиллаштиришга тайёргарликни бошлаган эди. Лекин режада кўрсатилган қўшимча шартларни, айниқса, Африка мамлакатлари бажара олмаслиги сабабли у амалга оширилмай қолди. Кейинчалик ривожланган Ғарб давлатлари катта қарз қашшоқ мамлакатни янада қашшоқлаштиришини, жамият барқарорлигини бузишини чуқур англаб етди. Ҳақиқатдан ҳам, Африкадаги оғир ҳаёт келажакда сайёрамизнинг тинчлиги ва тараққиётига зиён етказмаслигига ҳеч ким кафил эмас.

Жорий йил июн ойида Германиянинг Кёлн шаҳрида бўлиб ўтган «Катта еттилик» саммитида қашшоқ давлатлар (асосан Африка мамлакатлари) учун қарзларни енгиллаштириш тўғрисида баёнот қабул қилинди. Унга кўра, Япония 9 миллиард, АҚШ 6 миллиард, Франция эса 5 миллиард долларлик қарздан кечадиган бўлди. Шунингдек, саммитда ушбу давлатлар бошқа ривожланган мамлакатлардан қайтарилиши қийин бўлган қарзларни жами 20 миллиард долларгача қисқартиришни сўради.

Мазкур режа келаси йилдан амалга оширилиши кутилмоқда. Лекин имтиёз олган мамлакатлар режада кўрсатилган шартларни бажара олармикин? Улар Ғарб давлатлари кўрсатмаси билан иқтисодий ислоҳотлар ўтказиши, инсон ҳуқуқлари борасидаги аҳволни яхшилаши ва демократиялаштириш жараёнини жадаллаштириши керак.

Африка мамлакатлари Ғарб давлатларининг қарздан кечиш бўйича режаси «ёмғирсиз момақалдироқ» бўлиб чиқишидан, яъни фалакдан сув кутиб, фақат гумбирлаган овоз олиши эҳтимолидан ҳадиксирамоқда. Ботсвана республикаси президенти Фестус Могае имтиёз берувчи давлатлар қарз масаласини ҳал қилишдан аввал Африка мамлакатлари билан тенглик асосида муносабат ўрнатишни талаб қилди. У қўшимча шартларни илгари суришдан аввал Африка мамлакатлари билан маслаҳатлашиб, уларнинг розилигини олиш лозимлигини ҳам таъкидлади.

Жаҳон Банки маълумотларига қараганда, Ғарб давлатларининг қарзлардан қисман кечиш борасида қўяётган шартларини фақатгина Уганда ва Мозамбик бажара олиши мумкин экан. Бундан кўриниб турибдики, Африка мамлакатлари қарздан ҳали-бери қутула олмайди. Бунга Африка мамлакатлари раҳбарларининг имтиёз берувчиларга шубҳа билан қараётгани ҳам акс таъсир кўрсатмоқда.

**Алишер ҲАСАНОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# ЭРКИН САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯНИНГ БОШ ТАЛАБИ!

*Бизнинг номзодлар*

## «МАҚСАДИМ: ЮРТ КОРИГА ЯРАШ»



Бухоро вилоят касаба уюшмалари Кенгаши биноси учинчи қаватидаги хоналардан бирида вақт алламаҳал бўлганига қарамасдан чироқ ёниқ эди. Стол устидаги хатлар Кенгаш раиси Саида Сайфуллаеванинг хаёлларини банд этган. Ҳар бир одам ўзга бир олам. Уларга озгина бўлсада наф келтириш дил муддаоси.

- Фаррошнинг овози уни гўё ёқимли тушдан айиргандай бўлди.

- Саидахон, иш вақтингиз тугаганига икки соат бўлди, дам олиш ҳам керак!

Фаррош ая тўғри айтаяпти, - деб ўйларди у, - лекин хат ортида инсон тақдири ётибди, улар истак-талабларига қулоқ солиш, дардига малҳам излаш учун ҳам кўпроқ ишлаш зарур. Хатлар... Мавзуи рангбаранг. Айримлари миннатдорлик ила тўлқинланиб, жўшиб ёзилган. Баъзилари эса алам ва ўкинч, кўз ёши билан битилган. Раис мактубларни ўқиш, таҳлил қилиш кўйи улар юзасидан қандай чора-тадбирлар кўрилганини ҳам синчиклаб ўрганар, ўз хулосаларини ён дафтарига тушириб борар ва бу қораламалардан яқинда бўладиган ҳисобот конференциясидаги маърузасида фойдаланишни кўнглига тугиб қўйди.

Қораламалар дақиқалар сайин жонланиб, тилга кириб борар, қордек оппоқ қоғозда чиройли из қолдирарди: шу йилнинг 9 ойи мобайнида касаба уюшмаларига 663 нафар фуқаро ёзма равишда мурожаат қилган. Аризаларнинг асосий мазмуни - айрим корхона, ташкилотлар маъмуриятлари меҳнаткашларга етарли эътибор кўрсатмаётгани, ўзаро тузилган жамоа шартномаларининг айрим бандлари бажарилмаётгани, ишловчиларнинг ҳуқуқий, ижтимоий манфаатларига бефарқлик каби турли-туман масалалар хусусида эди. Касаба уюшмалари аралашувидан сўнг ноқонуний ишдан бўшатилган 42 нафар киши ўз вазифасига қайта тикланди. Меҳнат қонунлари бузилиши ҳоллари олдини олиш бўйича корхона ва ташкилотлар раҳбарларига 84 та кўрсатма юборилди. Ўнлаб фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Амалдаги йилнинг ўтган даврида касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан 2107 нафар киши санаторий ва дам олиш уйлари, 2,5 минг нафар меҳнатчи сиҳатгоҳ-соғломлаштириш масканлари ва уларнинг 21 минг нафардан зиёд фарзандлари болалар оромгоҳларида ҳордиқ чиқардилар. Бу мақсадлар учун 200 миллион сўмликдан кўпроқ маблағ сарфланди.

Меҳнаткашларга яратиб берилаётган енгилликлар жамоа шартномалари орқали амалга оширилмоқда. Чунончи, вилоят «Сувоқава», «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаларида ходимлар иш стажларига қараб тоза ичимлик суви, канализация ва иситиш хизмати тўловларидан 50 фоиздан 100 фоизгача озод этилганлар. Ишловчиларнинг ўғил-қизлари оромгоҳларда дам олишлари учун йўлланмалар бепул берилмоқда. «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти кейинги икки йил давомида ишчи-хизматчиларга 20 миллион, касабақўм эса 1,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Ёки «Вилоятгаз»даги бир ибратли тажрибани мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ерда шифохонада даволанаётган жамоа аъзолари ҳаражатлари корхона ҳисобидан тўланмоқда.

Шу пайт телефон жиринглаб, хаёлини бўлди. Уйидан экан, ҳар вақтдагидек қачон ишдан қайтишини сўрашди.

- Бир оздан кейин,-деди у.

Яна қўлига ручкани олди. Уйга толди. «Нималарга кўпроқ урғу бериш керак?» - деган саволга жавоб топгандай бўлди. Бу инсон омили эди. У узоқ йиллар пахта тозалаш корхонасида ишлаган, вилоят ижтимоий таъминот бўлими мудири лавозимида фаолият кўрсатган йиллари ва айни пайтда ҳам инсон омилига долзарб мавзу сифатида қараб келди. Чунки оммавий ташкилот ҳисобланган касаба уюшмалари олдида меҳнаткаш инсонга наф келтириш, қувончи-ю ташвишига шерик бўлиш, барча манфаатларини ҳимоя қилишдан-да улуғворроқ мақсад бўлмаса керак. Бухоро тумани марказий шифохонаси амалга оширган хайрли тадбирларни ибрат қилиб кўрсатиш мумкин, - кўнглидан ўтказди у. Бу ерда бунёд этилган иссиқхонада анвойи гуллар, лимон ва шифобахш кўкатлар етиштирилмоқда. Ундан олинаётган даромад ходимларга қўшимча имтиёз сифатида берилаётир. Республика Президенти Фармонига асосан «Ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фонди» ҳисобидан 15 фоизли қўшимча тўловлар амалга оширилаяпти. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан олинган даромад эвазига ҳар бир ходим маошига ойига ўртача 2500 дан 7500 сўмгача қўшимча ҳақ тўланмоқда.

Касаба уюшма ташкилоти раҳбари энг аввало, ташаббускор, янгиликларни тез илғайдиган, ортидан кўпчиликни эргаштира оладиган, қатъиятли одам бўлиши керак. Шундагина у маъмурият олдига инсон омилини кучайтиришга оид таклифларни дадил кўндаланг қўя олади. Сафимизда шундайлар борлигидан фахрланса бўлади. Масалан, уларнинг бевосита саъй-ҳаракатлари, таклифлари билан жорий йилда вилоят бўйича 24,5 минг, шундан 18,5 мингдан кўпроқ янги иш ўринлари қишлоқ жойларда барпо этилди.

Меҳнатни ва ишловчилар соғлигини муҳофаза қилиш масалаларида қатъиятлик кўрсатилаётган бўлса-да, бироқ бу борада ҳали талай муаммолар, камчиликлар бор. Жумладан, барча ишловчиларни бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий суғурта қилишни таъминлаш, ишлаб чиқаришда соғлом ҳамда хавфсиз шароитларни яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича фан, техника ютуқлари, илғор хорижий тажрибалардан кенгроқ фойдаланиш даркор.

Аёллар... Уларсиз ҳаётни, жамият тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Аёллар йили муносабати билан хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича аввалги йиллардагига нисбатан кўпроқ амалий ишларга қўл урилди. Биринчи галда уларнинг ҳуқуқий тушунчаси, маданиятини ўстиришга эътибор қаратилди. Турли мавзуларда ташкил қилинган учрашувлар, суҳбатлар, кўрик-танловлар, семинарлар, спорт мусобақалари ҳам қизиқарли, эсда қоларли бўлди. Спортнинг бир неча тури бўйича ўзаро беллашувларда 3100 нафар хотин-қиз иштирок этди. Ҳомиладор, ёш болали, касалманд, боқувчисиз аёллар алоҳида меҳр қуршовига олинди. Саъй ҳаракатлар зое кетаётгани йўқ. 49-Бухоро сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига Саида Сайфуллаева номзод этиб қилиб кўрсатилганлигининг ўзиёқ катта ишонч ва шарафдир.

**Абдунаби МАННОПОВ.**

## КИМНИ САЙЛАШ САЙЛОВЧИ ИХТИЁРИДА

«Уйчинома» туман газетасининг бир неча сонида сайловолди мавзуига доир материаллар билан бир қаторда халқ депутатлари туман кенгаши депутатларининг шу пайтгача қилган ишлари ҳақидаги ҳисоботи босилмоқда, - деб ҳикоя қилади ЎзА мухбири Н.Хўжаева, - Бу - халқ сайлаган депутат зиммасига юкланган улкан масъулиятнинг кўринишларидан биридир. Депутатнинг қанчалик юқори мавқега эга эканлиги эмас, балки унинг ишга, ўз вазифасига бўлган муносабати муҳим. Чунки, ҳатто туман миқёсида ҳам сайловчилар учун кўпгина ишлар қилиш мумкин. Халқ депутатлари Уйчи туман кенгашининг ўтган чақириқ депутатларидан айримларининг фаолияти туман аҳлининг шундай хулоса чиқаришига сабаб бўлди. Туман халқ депутатларидан энг фаолларининг номзодлари ҳозирги сайлов мавсуми давомида Олий Мажлис, вилоят кенгаши депутатлигига кўрсатилгани бежиз эмас. Шуниси диққатга сазоворки, уларнинг номзодлари асосан сайловчиларнинг ташаббус гуруҳлари томонидан илгари сурилган.

Уйчи туман сайлов комиссиясининг раиси, туман марказий шифохонаси амбулатория-жарроҳлик бўлими мудири Қодиржон Турсунов билан суҳбатимиз депутатларнинг ўз сайловчилари олдидаги масъулияти тўғрисидаги мулоҳазалар билан бошланди:

- Сайловчилар ҳокимият органларида ташаббускор, талабчан, обрўли, катта ишларга қодир одамлар ишлашини хоҳлайди. Халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига номзодлар ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда кўрсатилди. Уларнинг қандай ишларга қодирлигини туман аҳолиси ўтган чақириқ депутатларининг фаолияти мисолида кўрди, шу сабабдан, халқ депутатлари туман кенгашининг янги таркибида ҳам талабчан, умумий иш учун кураша оладиган депутатлар бўлишини хоҳлайди.

Сайловчиларнинг фаоллигини шу ҳам кўрсатиб турибдики, туманнинг 30 та сайлов округидан 103 нафар депутатликка номзод рўйхатга олинган. Аслида номзодлар бундан ҳам кўп эди. Аммо ҳужжатлардаги ноаниқликлар, хатолар туфайли айрим номзодлар рўйхатга олинмади.

Рўйхатга олинган номзодлар ҳам ташаббус гуруҳлари, ҳам маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан кўрсатилган. Шунингдек, учта сиёсий партия - Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партиясининг туман бўлимлари томонидан кўрсатилган номзодлар ҳам рўйхатга олинди. Комиссия томонидан рўйхатга олинган номзодлар туман матбуотида эълон қилинди. Энди энг муҳими - сайловчиларга ўз номзодлари ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши учун имкон бериш керак. Токи улар 5 декабрга қадар ўзлари овоз берадиган номзодни танлаб олсин.

- Депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашув ўтказиш жадвалини тузганмиз, - дея гапини давом эттиради Қ.Турсунов. - «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси бўлими ходимлари билан ҳамкорликда сайловлар мавзуига бағишланган учрашувлар ўтказиш тартибини белгилаб олдик. Уларда мамлакатимизнинг сайловлар ҳақидаги қонунчилигида содир бўлган ўзгаришлар, ҳозирги сайлов мавсумининг бориши ҳақида фикрлашамиз.

Сайлов участкаларида сайловларга тайёргарлик қизғин. Туман ҳудудида 40 та сайлов участкаси бор. Уларда сайловчиларнинг рўйхати тузилган бўлиб, ҳозир фақат айрим аниқликлар киритилмоқда. Зарур ҳолларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. Сайлов участкаларининг жиҳозланиши якунланди, овоз бериш учун зарур бўлган барча жиҳозлар ўрнатилди. Шунингдек, келиб тушган пул маблағларини тақсимлаш билан ҳам шуғулланмоқдамиз.

Ҳозирги сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилмоқда. Сайловлар ҳақидаги қонунчиликка бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилган. Айниқса сайловолди ташвиқотларида қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш - бизнинг асосий вазифамиздир. Сайловчилар билан олиб бориладиган иш ҳам катта аҳамиятга эга. Битта депутатлик номзодига 3-4, баъзан эса ундан ҳам кўпроқ номзодлар даъвогарлик қилаётган ҳозирги пайтда ким учун овоз беришни ҳал қилиш мураккаб масаладир. Сайловчи сайлов кунигача ким учун овоз беришини аниқлаб олиши керак. Шунингдек, сайловчилар эътиборини қозониш учун барча номзодларга тенг шароит яратилиши ҳам лозим.

## ҚОНУН БИЛАН КАФОЛАТЛАНГАН

**Ўзбекстон Республикаси Президентлигига сайлов ўткзувчи Бухоро вилояти округ сайлов комиссияси ҳузуридаги матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайловлар мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқшунос олимлар, республика ва вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди.**

*Республика Конституциявий суди раиси Б.Эшонов семинарда сўзга чиқиб, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлиги, Олий Мажлисга ҳамда ҳокимият вакиллик органларига бўлажак сайловлар мамлакатимиз бундан буёнги тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан бири эканлиги, давлатимиз Асосий Қонуни - Конституциямизда сайловчиларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари қайд этилгани, жумладан, барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, вакиллик органларига сайлаш, сайланиш ҳуқуқи қонун билан кафолатлангани ҳақида гапирди.*

*Кенгашда иштирокчиларнинг бўлажак сайловларга доир барча саволларига жавоб қайтарилди.*

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири**



## СЕВИМЛИ МАСКАН

**Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси марказий сайлов комиссисияси ҳузуридаги матбуот марказида иш қизғин. Нукус шаҳридаги «Қорақалпоқсавдо» хиссадорлик жамияти биносида жойлашган мазкур марказ кишиларнинг севимли масканига айланган. Сайловчиларни қизиқтирган масалалар юзасидан ўтказилаётган савол-жавоблар, учрашувлар ҳамда бой адабиётларнинг нафи катта бўлаяпти. Марказ мутасаддилари илк бор овоз бераётган йигит ва қизларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга ҳам алоҳида эътибор беришаяпти. Куни кеча олий ўқув юртларининг профессорлари билан мулоқотда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайлов ўтказишнинг принциплари ҳақида алоҳида гап борди. Учрашув иштирокчилари ўзларининг таклиф мулоҳазаларини ҳам ўртага ташладилар.**

**О.МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.**

## БИЗДАН СЎРАБСИЗ

### *Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради.*

***1-савол: 1999 йил 1 июлдан бошлаб хўжалигимиз кооператив ширкат хўжалигига айлантирилди. Бундай ҳолда ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари ҳамда 2 ёшгача болани парваришлаш учун бериладиган нафақалар қандай тўланади?***

***2. Ушбу нафақалар қайси маблағ ҳисобидан ажратилади?***

***3. Хўжалигимизда бир неча аёл йил давомида 20-30 кун ишлаб ёки бир ой давомида пилла етиштириб, кейинчалик ҳомиладорлик варақаси билан мурожаат қилишаяпти. Бундай вазиятда уларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси қай тартибда берилади?***

***4. Икки ёшгача болани парваришлаш учун нафақада бўлган аёллар бу муддат тугамасдан олдин ишга чиқсалар, нафақа тўхтатиб қўйиладими? Бунда аёллар қандай шароитларда ҳам ойлик иш ҳақи, ҳам нафақа пулини олиш ҳуқуқини сақлаб қолиши мумкин?***

**М.Маматқулов,**
**Ангор тумани**
**«Қорасув» кооператив ширкат хўжалиги ҳисобчиси.**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 1-модда 3-қисмига биноан мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда шунингдек айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат, шартномаси бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Шунингдек, Меҳнат кодексининг 133-моддасида аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш таътилларининг берилиши, 286-моддасида эса ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлаш тартиби белгиланган. Бундан ташқари меҳнат қонунининг 234-моддасида эса боланинг икки ва уч ёшга тўлгунга қадар парваришлаш учун аёлларга бериладиган таътилларнинг тартиби кўрсатилган.

Қолаверса, юқорида айтилган кодекснинг 98-моддасида қайд этилишича, корхонанинг мулкдори алмашиши, корхона қайта ташкил этилиши (сизнинг хатингиздаги ҳолат) ўз-ўзидан меҳнат муносабатларини тўхтатмайди.

Демак, юқорида кўрсатилган қоидалар сизнинг ширкат хўжалигингизга ҳам тааллуқли бўлиб, аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари ҳамда икки ёшгача болани парваришлаш учун бериладиган нафақалар умумий асосларда тайинланиши ва тўланиши шарт.

2. Ўзбекистон Ресеспубликаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, Меҳнат Молия ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан келишилган ҳолда Адлия вазирлигида 1998 йил 9-апрелда 430-рақами билан рўйхатдан ўтказилган «Давлат ижтимоий суғурта бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 1-банди «б» қисмида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа ижтимоий суғурта ташкилоти томонидан берилиши назарда тутилган.

Ушбу Низомнинг 6-бандида «Пенсия жамғармасининг бюджети корхона, ташкилот, муассасалар, жамоа ва давлат хўжаликлари, ширкатлар ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларнинг мажбурий бадалларидан ҳамда тўлов ажратмаларидан ташкил топади» дейилган.

Шунга кўра, сизнинг ширкат хўжалигингизда етиштирилаётган пилла, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа даромадлар учун пенсия жамғармасига мажбурий бадаллар ўтказилиб турилган бўлиши керак.

Шундай қилиб, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси туман пенсия жамғармаси маблағи ҳисобидан тўланади.

Икки ёшгача болани парваришлаш учун ҳар ойда бериладиган нафақа корхоналарнинг иш ҳақи тўланадиган маблағи ҳисобидан тўланади.

3. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик варақаси ишловчи аёлларга жами 126 календар кун муддатга берилади. Туғиш қийин кечган ёки икки ёхуд ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик варақаси 140 календар кун муддатига берилади. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Нафақаларни ҳисоблаб чиқаришда инобатга олинадиган иш ҳақининг барча турлари, шу жумладан, уларнинг ҳақиқатда олинган вақти бўйича эмас, балки улар ҳисоблаб ёзилган вақт бўйича иш ҳақига қўшилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ва ҳомиладорлик таътили бошланган ойдан олдинги 12 ой даврида олган ва суғурта бадаллари чегирилган барча мукофотларнинг 1/12 қисми нафақа ҳисоблаб чиқариладиган ойлик иш ҳақига қўшилиб ўртача ойлик, кунлик иш ҳақи миқдори аниқланади. Агар жамоа хўжалиги аъзоларига кейинчалик ҳисоб-китоб қилинадиган авансли ҳақ тўлаш амалга оширилса, нафақа ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланган кунгача олинган авансдан ҳисоблаб чиқарилади, ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан кейин эса жамоа хўжалиги аъзосига иш ҳақи бўйича нафақани қайта ҳисоб-китоб қилиш амалга оширилади.

Иш вақтларини ҳисоблаб чиқиш имкони бўлмаган ходимларга, яъни уйда ишловчиларга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, иккиламчи ва бошқа хил ашёларни штатли тайёрловчилар ва шунга ўхшаш ходимларга ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан тайинланадиган нафақа сўнгги 12 ой мобайнидаги кунлик ўртача иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Кунлик ўртача иш ҳақи юқорида айтиб ўтилган давр учун тайинланган ҳақиқий иш ҳақини мазкур даврнинг календар кунларига бўлиб чиқиш орқали аниқ билиб олиш мумкин.

Кунлик тариф ставкаси соатбай тариф ставкасини 40га кўпайтириш ва ҳосил бўлган суммани 7га бўлиш йўли билан аниқланади. Кунлик ҳисоб-китоб ставкаси ёки кунлик ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоб-китоб ставкасини ойнинг нафақа тўланадиган барча календар кунларига бўлиб чиқиш билан аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини аккорд-мукофот тизими бўйича етиштирувчи давлат, жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси бажараётган ишлари ва олаётган ҳақлари ҳисоб-китоб қилиб борилаётган ходимларгагина берилади. Ҳомиладор аёлларнинг ва туғиш муносабати билан таътилга чиқилганда, нафақа бажараётган мазкур ишлар учун тўланаётган ҳақиқий иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб белгиланган.

Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи, шу жумладан, хусусий ижара шароитида ёки шахсий ёрдамчи деҳқон хўжалигида банд бўлган ходимларга ҳомиладорнинг ва туғиш бўйича нафақалар ўтган йилда пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари суммасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади ва бунда иш ҳақи асос қилиб олинади.

Ўтган йилда суғурта тўланмаган бўлса, кўрсатиб ўтилган ходимларга нафақа энг кам иш ҳақи миқдорида белгиланади ва у кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Қайд этиб ўтилган шарҳлар «Давлат ижтимоий суғурта бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги 1998 йил 9-апрелда 430-рақами билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган Низомда кўрсатилган.

Демак, сизнинг ширкат хўжалигигингизда ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари уларнинг мавжуд ишлаган иш кунлари ва олинган иш ҳақларига мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқилган ҳолда тайинланади ва тўланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги билан келишилган ҳолда Меҳнат ва Молия вазирликлари томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилигида 1998 йил 4 сентябрда 489-рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун ҳар ойда нафақа бериш ҳақида»ги Низомнинг 6-бандига биноан ишлаётган оналар тўлиқсиз иш кунида ёки иш берувчи билан келишган ҳолда ишни уйда бажараётган бўлсалар, қайд этилган нафақани олиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар. Икки ёшгача боласи бор аёллар тўлиқ иш кунида ишласалар, болани парваришлаш учун тўланаётган нафақалар умумий асосларда тўхтатилади.

Ғурур

# ОЗОДЛИКДАН УЛУҒРОҚ БАХТ ЙЎҚ

*Тинч-тотув юртга ҳар қанча тўй-томошалар ярашади. Жалоллиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги, «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги тантаналари ҳам халқимизнинг бугунги иқболига ғоятда ярашиб тушди.*

*Аждодлар яратиб кетган шонли ва улуғвор тарих, асрлар ўтса-да, миллатни жаҳонга танитаверади. Ватанпарварлик ва инсонпарварликка, мардлик ва жасурликка, ғурур ва ор-номусни юксак тутишга ундайди. Келажак авлодни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, ҳаётни ўзгартиради,* деган фикр шу кунларда яна бир карра ўз тасдиғини топди.

Хиванинг 2500 йиллиги, Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини кенг нишонлаш доирасидаги тадбирлар туфайли Хоразм воҳасининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Мустақиллик йилларида воҳада амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан бехабар, уни ўз кўзи билан кўрмаган киши бугунги кунда Хоразмга борса, дафъатан шошиб қолади. Аввало, Урганчдаги халқаро аэропорт ҳар қандай кишининг ҳайратини оширади.

Аэропортдан воҳага ёйилган йўллар кенг ва текис. Замонавий троллейбуслар ғизиллаб қатнаб турибди. Бу заминдан бир замонларда Буюк Ипак йўли карвонлари қатнаганини, шу осмон остида, шу қуёш нурларида жасур саркарда Жалолиддиннинг дам қилич, дам қалқон-совути ярақлаганини тез-тез кўзга ташланиб турган обидалар эслатади. Воҳада тарих ва бугун бир одамдек нафас олади. Бу заминда бир кўча қадим тарихга элтса, ёнидаги бошқа кўча бугунга етаклайди. Айрим йўлларнинг ўзида гоҳ тарихга дуч келасиз, гоҳ бугунга йўлиқасиз.

Халқимизнинг бир эмас, икки буюк ўғлони жасоратини жаҳон олимлари «Европа цивилизациясини буткул ғорат бўлишдан сақлаб қолди» дея баҳолашган. Улардан бири жасур саркарда Жалолиддин Мангуберди бўлса, яна бири соҳибқирон Амир Темурдир!

Биз нега Жалолиддиннинг, оддий саркарданинг таваллуд кунини бу қадар катта тўй сифатида нишонладик? Халқимиз тарихида Жалолиддингача ва кейин ҳам ундан-да иқтидорли саркардалар, бақувват паҳлавонлар, ботирлар оз бўлмаган-ку.

Дунёга донг таратган Жалолиддин *«...барчамизни она юртимизнинг беғубор осмонини ва осуда ҳаётини қадрлашга, ўсиб келаётган, эртага бизнинг ўрнимизни эгаллайдиган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандларимизнинг келажагини, бахт-саодатини ҳимоялашга, ёруғ истиқболга интилиб яшашга чорлайди».* Мангубердининг тарих олдидаги буюк хизмати шундан иборатки, у, биринчидан, ота-боболаримизнинг табаррук қабрлари ётган она юртимизни, ўзларининг илм-фан, меъморчилик, адабиёт, санъат соҳасидаги ютуқлари билан нафақат ўзбек халқи, балки жами инсоният тараққиётига, умумдунё маърифатига муносиб ҳисса қўшган, умуминсоний маданиятни шакллантирган мутафаккирларнинг ёрқин хотирасини - энг нодир китобларни, ўша пайтда дунёнинг маданий маркази, илм-фаннинг қалби бўлган, академия даражасидаги илм масканларини, маърифатимиз ўчоқларини, момоларимизнинг алласи, ҳаёси ва иффатини, бир сўз билан айтганда шу она - Ватанни жонини қурбон этиб ҳимоя қилган бўлса, иккинчидан, Чингизхон бошлиқ мўғулларнинг Ғарбий Европани, хусусан Русия, Украина, Болтиқ бўйини, Польша, Чехия, Туркия каби мамлакатларни босиб олиш йўлидаги машъум ниятларига ғов бўлиб турди.

*- Сизнинг миллатингизга мансуб мана шу ўн тўққиз ёшли қўрқув билмас, ботир йигит бўлмаганида дунё бутунлай бошқа ўзандан ривожланиб кетган, биз бугун жаҳоннинг бутунлай бошқача тарихини ўрганаётган бўлар эдик, - дейди байрам тантаналарига Франциядан ташриф буюрган олим Жан Луи Баке Граммон.*

Номиёқ юракларга қўрқув солгувчи Чингизхон лашкарларини, дунёни зир қақшатган улкан қўшинни тор-мор қилганида Мангуберди ҳали йигирмага ҳам тўлиб-тўлмаган ёш йигит эди. Ёш бўлишига қарамай, унинг юрагига уммондек қудрат момолар ва оналарнинг алласидан, ота ва боболарнинг ўгитларидан ўтганлиги рост. Бу навқирон қалб она-юртга меҳр-муҳаббат, душманга нафратнинг қудратли денгизи эди. Шу туфайли ўзидан юз, минг маротаба кучли бўлган душман қўшинларини ўн бир йил давомида муттасил мағлуб этаверди. Ёвнинг қуроли устун бўлгандир, аммо ёш саркарданинг ор-номуси, иродаси унга қарши минг чандон қудратлироқ қурол эди. Ватан мустақиллигини, халқ озодлигини ўзининг шахсий ҳаётидан муқаддасроқ билди. Орияти кучлилигидан садоқатли кишилари, онаси, сингиллари ёв қўлида хорлик, хўрлик кўришини истамади.

Қайтмас, ёвқур Мангубердининг ғайратига ҳатто кўпни кўрган маккор Чингизхон ҳам тан берган, шундай ғайратли, шижоаткор ўғлинг бўлса экан, дея ҳавас қилган.

Шу ўринда бир лаҳза ўйга толасан, киши. Агар ўшанда Жалолиддин асир тушишга рози бўлганда, қўлига қурол олмаганида фарзандию барча қариндошларининг ҳаётини сақлаб қоларди. У шоҳнинг фарзанди, шаҳзода бўлган. Босқинчиларга тобеликни бўйнига олса, фаровон кун кечирар, умрининг поёнига қадар ҳеч нарсадан камчилик сезмай яшарди. Бунинг учун ундан бор-йўғи ўз эрки, ихтиёрини бошқалар қўлига топшириш, уларнинг хизматини қилиш, бош эгиб яшаш талаб қилинарди, холос. Тарихга синчиклаб назар солинса, шундай таҳқирни бўйнига олган, ўз ҳаётини, ҳузур-ҳаловатини сақлаб қолиш эвазига ота-онаси, ёр-биродарларини хўрлаган, қатл этганларнинг хизматини адо этиб юрганлар оз бўлишмаган. Ундайлар ўз замонасида Жалоллиддиннинг атрофида ҳам топилган бўлса керак.

Бу даражада тубан кетишдан кўра Жалолиддин ҳалокатни афзал билди. Шу сабабли тарих олдида унинг мағрур номи шон-шарафга бурканди. Тиз чўкиб яшагандан тик туриб ўлган афзал деган мақол эҳтимол унинг ҳаёти мисолида дунёга келгандир.

Муқаррар ўлимни бўйнига олган ёвқур Жалолиддин ҳали ёш, ҳаётдан орзу-умидлари кўп эди. Аммо у Ватан мустақиллиги, озодлиги йўлида барча ниятлардан воз кечишга, ўзини қурбон қилишга жасорат топа олди. Муқаррар хўрлик, таҳқир олдида содиқ кишиларини ўз қўли билан ҳалок қилиши учун инсонда қандай юрак, қандай ирода, қандай журъат бўлиши керак? Душманга яқинларининг ҳатто жасадини, ўлигини ҳам раво кўрмаслик учун инсон юрагида ўз халқига қанча муҳаббат, душманга нисбатан қанча нафрат бўлиши керак?

Жалолиддин Чингизхон қўшинларига қарши турар экан, олдинда ўзини ўлим кутаётганини тасаввур қилмаган дейсизми? Аммо у машъум ажалнинг юзига тик қарай олди. Душман жасур саркардани жисман йўқ этган бўлса-да, ор-номуси, ғурурини мавҳ эта олмади. Унинг қисқа, аммо ёрқин ҳаёти бугунги кунда бутун халқимизнинг ор-номуси, ғурурига, юртпарварлик туйғулари бутун халқимизнинг ватанпарварлигига айланди. *«У бизнинг озодлигимизга, истиқлолимизга тажовуз қилмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қарши тик туриб курашишга, мардона зарба беришга қодирлигимизнинг тасдиғи ва тимсолидир.»*

Жалолиддин Мангуберди яшаган тарихий давр билан бугунги кунимиз ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Аммо қандай замон, қандай тузум бўлишидан қатъи назар, мустақиллик, озодлик учун ҳар қандай курашга тайёр туриш ҳақиқий ватанпарвар, миллатпарвар инсоннинг шу Ватан, шу халқ олдидаги муқаддас бурчидир.

- Бу улуғ зот миллатимизнинг фахри, ғурури. Агар мустақиллик бўлиб, юртбошимиз бизга тарихимизни, буюк аждодларимизнинг ибратли меросини ўрганиш имкониятини қайтармаганида биз уларнинг номи тугул жасоратидан ҳам бехабар қолмасмидик?! Бизга уларни қаҳрамон эмас, аксинча қилиб кўрсатишмасмиди?! - дейди Урганч шаҳридаги 8-мактаб директори Ш.Ражабова.

Бу гапларда муболаға йўқ. *Ғаним олдида бош эгмаган, тиз чўкмаган, Ватан дея ҳалок бўлган* Жалолиддин кўрсатган жасоратларда унинг авлоди бўлмиш бизга, шу куннинг ёшларига ибрат бўлгули жиҳатлар кўп.

Байрам тантаналарига ота-онаси билан келган Жалолиддин яқинда тўққиз ёшга тўлади. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган йили туғилгани учун ота-онаси унга шу исмни қўйган. Буюк аждодимиздек Ватан, Истиқлол ҳимоячиси бўлиб етишсин деган эзгу ниятни кўнгилларига тугишган. Биз ёш Жалолиддиндан катта Жалолиддин ҳақида сўраймиз. У негадир митти ақли билан ўз адашига сифат излай бошлади.

*... қаҳрамон, (яна) паҳлавон, (яна) шер, (яна) арслон, (яна) қоплон, (яна) бургут, (яна) жасур, (яна) қўрқмас, (яна) ботир, (яна) сўнмас юлдуз...* Буни ҳар ким ўзича давом эттиради.

Мангубердини оддий саркардалар, оддий ботир жангчилардан алоҳида ажратиб турган сифатлар ҳам шу. Ҳа, мустақиллик туфайли жаҳон осмонида Жалолиддиннинг юлдузи мангу ёнди. Энди ҳеч қачон сўнмайди. У бундай эътироф ва эҳтиромга ўз жонини муқаддас Ватан тупроғини ҳимоя қилиш йўлида фидо этиб эришган.

Ҳикоя қилинишича, Мангубердини қўлга туширганларидан сўнг ёнидан халтача топилган. Қувғинда юрган шаҳзода олтин яширган экан-да, дея очиб кўришса, халтачада тўла тупроқ экан. У қаерга бормасин, қандай савашларга кирмасин, ёнида Ватан тупроғини олиб юраркан. Эҳтимол, шу Ватан тупроғи унинг руҳига руҳ, иродасига ирода, билагига қудрат, нигоҳига чақин бағишлаган, жангу жадалларда қўли баланд келишига, зафарлар қозонишига сабаб бўлгандир. Чунки бир сиқим тупроқда шу юртда ўтиб кетган барча азиз авлиёларнинг, ўлимга тик боққан баҳодирларнинг руҳи мужассам эмасми?!.

Бугун Урганчнинг қоқ марказида *Жалолиддиннинг тимсоли тоғ устидаги бургутдек, юртга ёпирилиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай бало-қазоларга кўксини қалқон қилган арслондек турибди.* Унинг пойига ҳар куни қайтадан тирилган дўстлари гуллар қўядилар, хотирасини эъзозлайдилар. Мустақиллик ва Ватан ҳимоячиларининг тимсолига, мардоналик ва навқирон умрга қўйилган бу юксак ҳайкал эрк ва ҳуррият учун жон фидо этганлар номи тарихда абадий қолишининг рамзидир.

Тарих воқеалари хотирада тикланар экан, уни беихтиёр бугунги кун, яқин йиллардаги вазият ва ўзгаришлар билан қиёслайсан. Юз эллик йиллик истибдодга қарши кураш байроғини баланд тутган, заҳматкаш халқимизни Мустақиллик, Озодлик сари бошлаган инсон, Ватан ва халқ ҳимоячиси ҳақида ўйлайсан. Бугунги куннинг Жалолиддини, Жалолиддинлари ким деган саволга жавоб топгинг келади...

**Салим АШУРОВ.**

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ: ЮТУҚ ВА МУАММО

Президентимиз раҳбарлигида мустақил мамлакатимиз ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу йўлнинг моҳияти бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамияти қуриш, халқимизнинг муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборатдир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида эришилган ютуқларимизни, истиқлол берган неъматларни ёшларимизга кенгроқ тушунтирсак, уларнинг онгида турли зарарли ғоялар учун бўшлиқ қолмайди. Ахир инсон ҳуқуқини таъминлаш буюк мутаффакирлар орзуси, ҳар бир мустақил давлатнинг муқаддас вазифаси бўлиб келган. Шунинг учун ҳам жамиятмизда ҳуқуқий демократик давлат қуришга ҳаракат қилинмоқда.

Куни кеча Тошкент юридик институтининг мажлислар залида Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ва ҳуқуқий маърифат тарғибот маркази билан ҳамкорликда ўтказилган «Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш : ютуқ ва муаммолар» мавзусидаги давра суҳбати худди ана шу масалаларга бағишланади.

Давра суҳбатини Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Аслиддин Болиев очиб, жумладан шундай деди: «Ҳар бир қонун ўзининг ижроси билан кучлидир. Бизда фуқаролар ўзларининг мулкий, маънавий, интеллектуал, сиёсий ва бошқа шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини қонун орқали, суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминловчи қатор қонунлар мажмуаси яратилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вакили фаолият кўрсатмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш - уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги пайтда амалга оширилаётганислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни объектив зарурат қилиб қўймоқда. Мамлакатимизда инсонларнинг турли ҳуқуқларига дахлдор бўлган кўплаб қонунлар амалга киритилган.Республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳолининг чуқур англашига ҳар томонлама кўмаклашиш - давлат, бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифаларидир.

1997 йил 22 июн куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 367-сонли «Ҳуқуқий маърифат тарғибот марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарор билан Тошкент Давлат юридик институти ҳузурида ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази, вилоят адлия бошқармаларида унинг минтақавий бўлимлари, шаҳар туман ҳокимликлари қошида жамоатчилик асосида ҳудудий бўлимлари ташкил қилинди, уларнинг фаолият йўналишлари белгилаб берилди.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент Давлат юридик институти ректори, юридик фанлари доктори, профессор Ҳалим Бобоев «Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда энг асосий омил» мавзусида маъруза қилар экан, асосан у ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва унинг минтақавий бўлимлари вазифалари хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Жумладан, у мамлакатда ҳуқуқий таълим фаолиятини кучайтириш ва аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини тадбиқ этиш, жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш, аҳолини ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ташкилий ишларига жамоат бирлашмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва илмий муассасалар ходимларини жалб этиш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан эканлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, давра суҳбатида Республика оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммад, ҳуқуқий-маърифий тарғибот маркази директори Узоқ Бозоров, Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институтининг ходими З.Каримовлар ҳам сўзга чиқиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида қилинаётган ва қилиниши зарур бўлган ишлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Давра суҳбати қатнашчилари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда бу соҳада ҳали мавжуд бўлган камчиликлар ҳамда келажакда қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида ҳам баҳс-мунозара юритдилар.

**Феруза САЙДАМАТОВА.**

# ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ





Нарпайда вақтинча ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш, янги касб-ҳунарга ўргатиш ва ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда ўтказилган туман ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси туман бўлими ходимлари томонидан ташкил этилган бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркаси меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими олиб бораётган хайрли ишлардан бири бўлди.

Мазкур ярмарканинг асосий мақсади меҳнат қонунчилиги, меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тушунтириш, иш ўринлари бозорининг самарали фаолият олиб бориши, аҳолининг турмуш даражаси юксалишини таъминлашга ҳисса қўшишдан иборат эди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, бу тадбир мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналар учун малакали кадрларни етказиб бериш, вақтинча ишсиз қолган аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

- Бу ярмарка давлатимизнинг меҳнат муносабатлари билан боғлиқ сиёсатини халқ оммасига тушунтириш жиҳатидан ҳам муҳимдир, — деди туман ҳокимлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи Маҳмуджон Муродов. — Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини кучайтириш, фуқароларнинг эркин иш танлаш ҳуқуқларини амалга ошириш масалаларида ҳам муайян ютуқларга эришилди.

**Темир ҚУРБОН.**

Суратларда: 1. Нарпай тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи Маҳмуджон Муродов (ўртада) ярмарка иштирокчилари билан суҳбатлашмоқда. 2. Навбатдаги меҳнат ярмаркаси.

**Ҳ.АВВАЛОВ олган суратлар.**

# ФАЛАСТИН: ДЎСТЛАР ТОМОН УЗАТИЛГАН ҚЎЛ

*Фаластин, айтиш мумкинки, Яқин Шарқнинг оғриқ нуқтаси. Ана шу оғриққа даво топиш йўлида кейинги йилларда қилинган саъй-ҳаракатлар натижасида минтақада бир мунча осойишталик юзага келди. Айни кунларда ана шу осойишталикни барқарор тинчликка айлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.*

Фаластин ҳақида қисқача маълумот: Мамлакатда фаластинлик араблар сони икки баровар кўпроқ бўлиб, улар қуролли можаролар ва бошқа сабабларга кўра жаҳоннинг турли томонларига тарқаб кетган.

Мамлакатда оммавий ахборот воситаларининг кенг тармоғи мавжуд: 49 та хусусий ва 1 та давлат радиостанцияси, 7 та хусусий ва 1 та давлат телестудияси мавжуд. Ҳар куни чоп этиладиган газеталар орасида «Ал - Қудс» ва «Ал - Ҳаёт» алоҳида нуфузга эга. Бу нашрларнинг умумий тиражи 200 минг нусхадан иборат.

Фаластинда кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланиб, экспорт қилинади. Енгил саноат ҳам ривожланган, уни замонавий технология билан жиҳозлашга мунтазам эътибор қилиб борилади.

Биз яқинда Фаластиннинг Озарбайжон ва Марказий Осиёдаги, шу жумладан, Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Набил эл Лаҳкам билан суҳбатда бўлганимизда, у қуйидагиларни сўзлаб берди:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1948 йилдаги 181 ва 224-сонли қарорига асосан икки давлат - Исроил ва Фаластин давлати ташкил қилинди. 1988 йилнинг 15 ноябрида БМТга аъзо бўлган давлатлардан 132 таси, яъни дунё ҳамжамиятининг 70 фоизи Фаластинни мустақил давлат деб тан олдилар. Лекин то ҳануз Фаластин давлатининг чегараларини халқаро сиёсий харитага аниқ киритиш ишлари ниҳоясига етгани йўқ. Ҳозир Фаластинда 12 та турли соҳа бўйича вазирлик фаолият кўрсатмоқда.

Ёсир Арофат раҳбарлигида Фаластин давлатида кейинги беш йил ичида халқнинг турмуш шароитини янада яхшилаш учун кўплаб уй-жойлар, болалар боғчалари, касалхона-клиникалар, мактаблар қурилди. Ҳозир 10 та университетда минглаб талабалар ўқимоқда.

Ўзбекистон ва Фаластин халқлари ўртасида қадимий дўстлик ришталари мавжуд. Чунки бизнинг урф-одатларимиз ўхшаш. Шарқ мамлакатларига хос бўлган дўстлик, бир-бирига керак бўлганда ёрдам бериш, ота-боболаримиздан қолган удум . 2000 йилдан бошлаб, Ўзбекистон ва Фаластин ўртасида туристик ишлар кенг йўлга қўйилади. Фаластин давлати ҳудудида яшаётган ишбилармонлар билан бир қаторда бошқа давлатларда яшаб, йирик корхоналар яратган фаластинликлар ҳам Ўзбекистон давлати ҳудудларида ўзларининг қўшма корхоналарини ташкил қилишга хоҳиш билдирмоқдалар, маданий алоқаларимизни қанча тез ва самарали йўлга қўйсак, халқларимиз яна ҳам бир-бирлари билан дўстлашиб, иноқлашиб кетади деган умиддамиз.

Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлатлардан бирига айланишига барча шарт-шароитлар, имкониятлар мавжуд. Кейинги йиллар ичида бўлаётган иқтисодий, ижтимоий улкан ўзгаришларни ўз кўзим билан кўриб, Ўзбекистон жаҳон бозорига жадал суръатлар билан бораётганлигига ишонч ҳосил қилганлигим учун бу гапларни айтяпман. Жанубий Корея Республикаси билан ҳамкорлик тобора ривожланаётганлиги ҳам Ўзбекистон давлатининг жаҳонда кўзга кўринарли ўринлардан бирини эгаллаш томон дадил одимлаётганидан далолат. Мен ўзбек халқига бундан буён ҳам чин кўнглимдан муваффақиятлар тилайман. Мамлакатингизда ҳамиша тинчлик барқарор бўлсин!

**Илҳом ШЕРМУҲАММАД.**

# КАСБИМДАН БАРАКА ТОПДИМ

Қарийб ўттиз йилдан буён бошланғич синфларнинг ўқувчиларига сабоқ бериб келаяпман. Эндигина, мактаб остонасига қадам қўйган мурғак қалбларга «Она», «Ватан», «Ҳурлик» сўзларини сингдириш, уларга ўқиш ва ёзишни ўргатишнинг ўзига хос гашти бор.

Онам - Моҳира Абдулина 50 йилдан кўпроқ муаллимлик касбини улуғлаб, кам бўлмади.

Она изидан бориб эл ичида эъзоз топдим. Маҳалладошлар ва ҳамкасбларим оиламизни бежиз «Муаллимлар оиласи» деб таърифлашмайди. Турмуш ўртоғим Мурод Раҳмонов туман халқ таълими бўлимига қарашли кечки мактабда директорлик қилаяпти. Фарзандларимиз эл-юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишди. Шу кунларда 1-2 - гимназия синфларида дарс бериб келаяпман.

Аёллар йили оиламизга бахт олиб келди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг маҳсулоти бўлган «Тико» автомобили сотиб олдик. Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Президент Фармонига асосан менга «Шуҳрат» медали берилди.

Хизматларим эъзоз топганлигидан миннатдорман. Мустақил республикамиз ўғил-қизларига таълим- тарбия беришда бор билим ва тажрибамни ишга солавераман.

Истиқлол шарофати боис зиёлилар қадр топди. Улар ижтимоий жиҳатдан ҳимояланган. Газ, электр ҳақини тўлашдаги имтиёзлар ўқитувчи меҳнати адолатли баҳоланаётганлигидан далолатдир.

**Рашида ҚЎЗИЕВА,**
**Муборак шаҳридаги Й.Охунбобоев номли мактаб ўқитувчиси.**

# ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Маълумки, 1999 йилнинг 31 мартида Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигида АҚШ Давлат Департаменти Каунтерпарт Интернэшнл дастури доирасида бўлажак хайрия ёрдамни тақсимлаш мақсадида Меморандум имзоланган эди.

Шу дастур асосида манзилли равишда Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги тизимига ижтимоий ёрдам тариқасида 11 та контейнерда енгил саноат маҳсулотлари, жумладан янги кийим-кечаклар, турли хил оёқ кийимлар, ип-мато маҳсулотлари, газмоллар етказиб берилди. Ушбу инсонпарварлик ёрдами Каунтерпарт Интернэшнл Халқаро дастурининг Ўзбекистондаги вакили Ф.Тошпўлатова томонидан 1999 йилнинг 3-4 ноябр кунлари Ижтимоий таъминот вазирлиги тизимидаги Республика Уруш ва Меҳнат фахрийлари пансионати ҳамда 2-болалар Мурувват уйидаги якка-ёлғиз, муҳтож қариялар, ногирон болаларга тақдим этилди.

Бундай инсонпарварлик ёрдами келгусида Республикамиздаги барча вилоятлардаги Саховат ва Мурувват уйларида давом эттирилади.

